

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 6 ” март

№ ПҚ-4230

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ г.

**Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида**

Транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташувчилар учун рақобат мухитини ҳамда қулай шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, республиканинг транспорт-транзит салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва “Ўзстандарт” агентлигининг 2019 йил 1 июлдан бошлаб:

а) халқаро ташишларда фойдаланиладиган тягач (шатакчи) автомобилларга лицензия карточкалари берилиши учун давлат божи тўлаш тартибини;

б) қуйидагиларни:

олиб кириладиган ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатларида ишлаб чиқарилган “Евро-5” ва “Евро-6” экологик синф талабларига мос келадиган янги юк ва махсус автотранспорт воситалари, шунингдек, автомобиль транспортида юк ташиш учун фойдаланиладиган тиркама ва ярим тиркамаларни;

транспорт-экспедиторлик хизматларини мажбурий сертификатлашни;

в) чек бериш ёки йўловчининг юрганлигини электрон қайд этиш имконияти мавжуд бўлиши шарти билан йўловчилар ташишда фойдаланиладиган автотранспорт воситаларида назорат-касса аппарати мавжуд бўлиши ҳақидаги талабларни;

г) қуйидагиларнинг:

автомобиль транспортида юк ташиш билан шуғулланувчи якка тадбиркорларнинг;

корхона штатида белгиланган тартибда аттестациядан ўтган автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва ташиш хавфсизлигини таъминлаш учун масъул бўлган мутахассиснинг алоҳида бирлиги мавжуд бўлиши шарти билан юридик шахс раҳбарининг малака талабларига мувофиқлик юзасидан аттестациядан ўтиши тўғрисидаги талабларни;

д) автомобиль транспортида йўловчилар ва юкларни ташиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия олишда юридик шахсларнинг балансида транспорт воситалари мавжуд бўлиши ҳақидаги талабларни бекор қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. 2019 йил 1 апрелдан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ижара шартномаларини тасдиқлаш учун амалдаги давлат божи миқдори икки мартаба камайтирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар, шу жумладан, қўйидаги имкониятларни назарда тутувчи **“UzTrans” ягона интерактив ахборот тизими** (кейинги ўринларда – ахборот тизими) яратилишини таъминласин:

лицензиатларнинг шахсий кабинети фаолият юритиши;

автомобилда халқаро ташишга хорижий ва/ёки кўп томонлама рухсатномаларни миллий ташувчилар ўртасида автоматик равишда чорақлар бўйича таксимлаш;

йўловчилар ва юкларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, халқаро ташиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар, автомобилда халқаро ташишга хорижий ва/ёки кўп томонлама рухсатномалар, шунингдек, ЮХИТ дафтарчасини қўллаган ҳолда Юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги конвенцияга (Женева шаҳри, 1975 йил 14 ноябрь) мувофиқ ЮХИТ (CARNET TIR) дафтарчасидан фойдаланишга рухсатномалар олишга талабгорларнинг аризаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш босқичини кўрсатган ҳолда қайта ишлаш;

лицензиатлар ва жисмоний шахслар ўртасида тузиладиган автотранспорт воситаларининг ижара шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобини юритиш.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ўн кун муддатда ахборот тизими жорий этилгунига қадар мамлакатлар бўйича халқаро автомобилда ташишга хорижий ва/ёки кўп томонлама рухсатномалар мавжудлиги тўғрисида доимий янгиланадиган ахборотнинг вазирлик веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019 йил 1 июлдан бошлаб:

йўналишсиз такси учун талаб этиладиган тўлов **терминаллари, ҳисоблагич-таксометрлар ва радиоалоқа воситалари** алмаштириладиган приборларнинг функцияларини таъминлайдиган махсус иловали қурилмаларга (уяли телефонлар, планшетлар, электрон тўлов тизимлари) **алмаштирилиши мумкин;**

йўналишсиз такси рангини конун ҳужжатларида талаб қилинган рангга мувофиқ ҳолга келтириш учун уларни бўямасдан ўзи елимланадиган материаллардан фойдаланишга йўл қўйилади;

йўналишсиз таксилар сифатида фойдаланиладиган ҳамда ягона ички ва ташқи белгилар билан жиҳозланган енгил автомобиллар йўналишли транспорт воситалари учун махсус ҳаракат йўналишида ҳаракатланиши ҳамда “Тўхташ тақиқланади” белгиси амал қилиш ҳудудида тўхташи мумкин;

халқаро автомобилда ташишга хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни олиш учун аризалар улар олинган пайтдан бошлаб бир иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

а) енгил автомобилларда йўловчиларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияларга эга юридик шахсларни:

ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини **суғурта қилиш шартномаси мавжуд бўлмаганда**, унинг расмийлаштирилишини таъминлаган ҳолда, уларнинг **мавжудлиги**;

автотранспорт воситаларидан лицензия карточкаларисиз фойдаланилаётган давлат рақами белгилари қайтариллиши чораларини кўрган ҳолда йўналишсиз таксилар учун мўлжалланган **автотранспорт воситаларига махсус сериялардан берилган давлат рақами белгиларининг** амалдаги лицензия карточкаларига **мувофиқлиги юзасидан** хатлов ўтказсин;

б) автомобиль транспортида юк ва йўловчиларни ташиш хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш бўйича таклифлар киритсин;

в) химояланган телекоммуникация каналлари ёрдамида **“Транспорт воситалари ҳисоби”, “Техник кўрик” ва “UzTrans” ахборот тизимларининг** самарали идоралараро интеграциясини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

6. 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг оғирлик ва габарит параметрларини аниқлаш учун автоматлаштирилган ўлчов воситалари билан жиҳозланган оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар ва кўчма шохобчаларни ташкил этиш тартиби жорий этилсин.

Транспорт вазирлиги 2019 йил 1 августга қадар автомобиль йўлларида давлат-хусусий шериклик объектлари рўйхатини, регламентни ва инвесторларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида танлаб олиш механизмини назарда тутувчи оғирлик ва габарит назорати бўйича махсус пунктларни ташкил этиш юзасидан фаолиятни амалга ошириш тартибини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Қуйидагилар:

**Йўловчи ва юк ташишни янада ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ;**

**Транспорт-логистика соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари юзасидан хорижий давлатлар билан музокаралар ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

8. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги **бир ой муддатда:**

Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда яқка тартибдаги тадбиркорларга рухсат бериш тартиботларини соддалаштириш ва минималлаштириш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда енгил автомобилларда йўловчиларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини бериш ҳақидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат буюртмачилари, шу жумладан, хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналарнинг автомобиль транспортида юк ташиш хизматлари кўрсатишни махсус электрон савдо майдончасида электрон савдо якунлари бўйича харид қилиш ва хизмат кўрсатишини назарда тутувчи тартибни жорий этиш ҳақидаги таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси ва бошқа идоралар билан биргаликда хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, чиқиши, транзит ўтиши (алоҳида юклар ва ҳарбий контингентлардан ташқари) ва ҳудудда бўлиши тартибини, шу жумладан, республикага кираётган хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг бўлиши муддатларини оптималлаштиришни назарда тутган ҳолда янада такомиллаштириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда **хорижий ташувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган икки пункт оралиғида юк ва йўловчилар ташиш амалга оширилганлиги**, шунингдек, рухсат этилган оғирлик ва габарит параметрлари оширилганлиги учун **таъсир чораларини** қўллаш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 20 февралда Женева шаҳрида имзоланган электрон юк хатига тегишли Юкларни халқаро йўлларда ташиш (ЮХЙТ) шартномаси тўғрисидаги конвенциянинг Қўшимча баённомасига қўшилиши тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда миллий транспорт-экспедиторлик ташкилотлари томонидан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатиш юзасидан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш, мазкур шартномаларни тузган ташкилотлар рўйхатини ошқора эълон қилиш тартибини ўрнатсин.

9. 2022 йил 1 январгача авиация ёқилғиси, локомотивлар, темир йўл вагонлари ва бутловчилар (ТИФ ТН коди 8601-8607), барча типдаги юк контейнерлари (ТИФ ТН коди 8609), учиш аппаратлари (ТИФ ТН коди 8802) ҳамда ишлаб чиқарилганига 4 йилдан ошмаган, юк ташиш учун мўлжалланган транспорт воситалари (ТИФ ТН коди 8701 20, 8704 23 (самосваллардан ташқари), 8716 31, 8716 39) божхона тўловларидан **озод қилинсин** (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно). Бунда республикага олиб кириладиган авиация ёқилғиси ўрнатилган тартибда қўшилган қиймат солиғига тортилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ғаниев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Н.С. Отажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

**Йўловчи ва юк ташишни янада ривожлантириш бўйича  
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

<b>Т/р</b>	<b>Тадбирлар</b>	<b>Амалга ошириш шакли ва механизми</b>	<b>Ижро муддатлари</b>	<b>Масъул ижрочилар</b>
<b>I. Транспорт соҳасини бошқариш жараёнларини такомиллаштириш</b>				
1.	Транспорт соҳасида миллий қонунчиликни хатловдан ўтказиш ва уни халқаро нормалар билан уйғунлаштириш.	Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш	2019 йил 1 декабр гача	Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> ), Адлия вазирлиги ( <i>Истамов</i> ), Ўзстандарт ( <i>Самтаров</i> ), Бош прокуратура ( <i>Саидқаримов</i> )
2.	Ташиш жараёнларини бошқариш бўйича дастурий таъминот ишлаши ва транспорт воситаларининг йўллардаги ҳаракатланиш тезлигини масофадан кузатиш, автотранспорт воситаларининг техник ҳолати ва сафар олди техник кўрикдан ўтганлиги ҳамда ҳайдовчиларнинг тиббий кўрикдан ўтганлигини назорат қилиш имкониятини берувчи электрон тизимининг ягона минимал стандартларини тасдиқлаш.	Идоравий ҳужжат	2019 йил 1 апрел гача	Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> ), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ( <i>Содиқов</i> ), ИИВ ( <i>Бобожонов</i> ), Соғлиқни сақлаш вазирлиги ( <i>Шодмонов</i> )
3.	Йўловчилар ва юк ташишларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқариш тартиби тўғрисида Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2019 йил 1 июн гача	Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> ), Молия вазирлиги ( <i>Хайдаров</i> ), Адлия вазирлиги ( <i>Давлетов</i> )
4.	Автомобиль транспортида йўловчилар ва юк ташиш хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш.	Қонун лойиҳаси	2019 йил 1 август гача	ИИБ ( <i>Бобожонов</i> ), Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> )
5.	Жамоатчилик кузатуви механизмларидан фойдаланган ҳолда автомобиль транспортида йўловчилар ва юк ташиш фаолиятига қўйиладиган талабларга риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш.	Ташкилий тадбирлар	2019 йил 1 сентябр гача	Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> ), ИИВ ( <i>Бобожонов</i> ).
6.	Етакчи хорижий компанияларни жалб этган ҳолда, Тошкент шаҳрида йўловчи транспорти фаолиятини тубдан такомиллаштириш Концепция лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2019 йил 1 июл гача	Тошкент шаҳар ҳокимлиги ( <i>Артиқходжаев</i> ), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ( <i>Валиев</i> )

7.	“Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг автобус паркларидagi хиссасини ишончли бошқарувга ўтказиш ёки хусусий мулкка сотиш чора-тадбирларини кўриш.	Ташкилий тадбирлар	2019 йил 1 июлгача	Давлат активларини бошқариш агентлиги ( <i>Жўраев</i> ), Транспорт вазирлиги ( <i>Дехканов</i> ), Тошкент шаҳар ҳокимлиги ( <i>Артикходжаев</i> )
8.	Темир йўл ва ҳаво ташишлари соҳасида: юк ҳужжатларини расмийлаштиришни амалга ошириш, ташиш учун ҳисоб-китоблар қилиш; ҳаво кемалари, вагонлар ва контейнерларнинг тўлганлиги даражаси ҳамда поездлар ҳаракатини онлайн тарзда мониторинг қилиш; вагонлар ва контейнерлар ҳаракатларини, шу жумладан мобил телефонлар учун иловалардан фойдаланган ҳолда, масофадан кузатиш имкониятини яратувчи электрон тизимни жорий этиш бўйича таклифларни киритиш.	Ташкилий тадбирлар	2019 йил 1 июлгача	Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> ), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ( <i>Хосилов</i> ), “Ўзбекистон ҳаво йўллари” АЖ ( <i>Ҳакимов</i> )
9.	Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 декабрдаги 994-сон қарори билан тасдиқланган Автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомга лицензиялашни соддалаштириш ва назорат тизимини такомиллаштиришни ҳисобга олиб, шу жумладан “тижорат асосида амалга ошириладиган ташишлар” тушунчасини изоҳлашни назарда тутган ҳолда, ўзгартиришлар киритиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2019 йил 1 июнгача	Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> ), ИИБ ( <i>Бобожонов</i> ), Адлия вазирлиги ( <i>Давлетов</i> )
10.	Ишлаб чиқарилаётган автотранспорт воситаларининг нарх сиёсатини, техник конфигурацияси ва турларини миллий автотранспорт компанияларининг реал эҳтиёжларини ҳисобга олиб, қайта кўриб чиқиш.	Идоравий ҳужжат	2019 йил 1 апрелгача	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ( <i>Фуломов</i> ), Ўзавтосаноат ( <i>Умурзоқов</i> ). Монополиядан чиқариш кўмитаси ( <i>Шарипов</i> ), Молия вазирлиги ( <i>Ҳайдаров</i> )
11.	Миллий экспорт қилувчиларни давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш, шу жумладан экспорт қилинадиган миллий товарлар ташишни субсидиялаш тартибини жорий этиш йўли билан.	Таҳлилий маълумот шаклида хулоса	2019 йил 1 апрелгача	Молия вазирлиги ( <i>Ҳайдаров</i> ), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>Умурзаков</i> )
12.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро юк ташишларига ихтисослаштирилган транспорт-логистика қўшма корхоналарини ташкил этиш учун етакчи хорижий транспорт компанияларни жалб этиш чораларини кўриш.	Ташкилий тадбирлар	2019 йил 1 октябргача	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>Умурзаков</i> ), Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> )

13.	Миллий шу жумладан миллий ташувчиларнинг хориждан орқага қайтишида юклар юкланиши бўйича ихтисослаштирилган ва ягона электрон логистик порталнинг оператори хисобланган миллий экспедиторлик компаниясини ташкил этиш юзасидан таклифларни киритиш.	Ташкилий тадбирлар	2019 йил 1 июнгача	Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> ), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>Умурзаков</i> )
14.	Қора денгиз ҳавзаси, Каспий ва Ўрта ер денгизлари, Форс кўрфазининг йирик денгиз портларида ҳамда трансконтиненталь денгиз туташмаларида жойлашган портларда ваколатхоналар, фронт-офислар ва стивидор компанияларни ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	Ташкилий тадбирлар	2019 йил 1 июнгача	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>Умурзаков</i> ), Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> ), Савдо саноат палатаси ( <i>Икрамов</i> )
15.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси ва Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги бизнес ва бошқарув Республика олий мактабида “Логистика ва етказиб бериш тизимини бошқариш” йўналиши бўйича юқори малакали мутахассислар ва бошқарув кадрларини тайёрлаш жараёни ташкил қилиш, бунда етакчи хорижий мутахассислар ҳамда логистика ва етказиб бериш тизимини бошқариш соҳасида таълим муассасаларини жалб қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	Ташкилий тадбирлар	2019 йил 1 апрелгача	Давлат бошқаруви Академияси ( <i>Касимов</i> Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги бизнес ва бошқарув Республика олий мактаби ( <i>Абдураунов</i> ))
16.	“Транспорт логистикаси” йўналиши бўйича юқори малакали мутахассислар ва бошқарув кадрларини тайёрлашни ташкил этиш самарадорлигини ошириш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2019 йил 1 апрелгача	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ( <i>Маджидов</i> ), Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> )
17.	Миллий олий таълим муассасаларида авиация соҳасида мутахассислар тайёрлашни тиклаш бўйича таклифлар киритиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2019 йил 1 апрелгача	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ( <i>Маджидов</i> ), Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> )
18.	Илғор хорижий ишланмаларни жорий этган ҳолда, худудий режалаштириш учун транспорт макро ва микро моделлаштиришни ишлаб чиқиш.	Ташкилий тадбирлар	2019 йил 1 сентябргача	Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> )
19.	Тақсимлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этган ҳолда автомобилда халқаро ташишлар учун хорижий ва/ёки кўп томонлама рухсатномаларни тақсимлаш шартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Идоравий ҳужжат	2019 йил 1 июлгача	Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> ), Бош прокуратура ( <i>Мавлонов</i> )



20.	Амалга оширилаётган халқаро автомобилда юк ташиш турини белгилаш мезонлари ва тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Идоравий ҳужжат	2019 йил 1 июлгача	Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> ), ДБК ( <i>Азимов</i> )
21.	“Ўзбекистон – Тожикистон – Хитой” йўналиши бўйича тажриба-синов автокарвонини ташкил этиш.	Ташкилий тадбирлар	2019 йил 1 сентябргача	Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> ), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>Умурзаков</i> ), Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> )
<b>II. Йўналишли таксиларда йўловчилар ташиш жараёнларини такомиллаштириш</b>				
22.	Йўналишли таксилар учун мўлжалланган автотранспорт воситаларининг махсус серияли давлат рақами белгиларини бериш тартибини такомиллаштириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2019 йил 1 июнгача	ИИБ ( <i>Бобожонов</i> )
<b>III. Йўл, йўл ёқаси ва бошқа инфратузилмаларни такомиллаштириш</b>				
23.	Жанубий-Шарқий Осиё, Жанубий Осиё, МДҲ ва Европа пунктлари ўртасида трансферт оқимида хизмат кўрсатиш марказини босқичма-босқич ташкил этишга қаратилган Марказий Осиё хаби Концепция лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Концепция лойиҳаси	2019 йил 1 сентябргача	Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> ), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>Умурзаков</i> ), Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> )
24.	Халқаро стандартларга етказиш мақсадида аэропортлар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ҳамда аэродромларни самолётлар оқими кўпайиши эҳтимолига тайёрлаш (зарур таъмирлаш ишларини амалга ошириш, учиш-қўниш йўлаги ва перронлар тураргоҳлари сонини кўпайтириш).	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2019 йил 1 июнгача	Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> ), “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК ( <i>Ҳакимов</i> )
25.	Аэропортларнинг поавиация даромадларини ошириш учун чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, аэропортлар худудида хизматларни тақдим этиш учун хусусий секторга рухсат бериш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2019 йил 1 июнгача	Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> ), “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК ( <i>Ҳакимов</i> )
26.	Йўловчиларга зарур қулайликлар ва хавфсизлигини таъминлаш учун ишлаб турган темир йўл вокзалларини халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида (симсиз интернетдан эркин фойдаланиш, чипта кассаларига электрон навбатлар, йўловчиларни хабардор қилишнинг марказлашган тизими, хавфсизлик чораларини кўриш, имконияти чекланган йўловчилар ёки оғир багаж билан саёҳат қилаётганларга қулайлик яратиш) модернизация қилиш ва жиҳозлаш.	Ташкилий тадбирлар	2019 йил 1 декабргача	“Ўзбекистон Темир йўллари” АЖ ( <i>Ҳасилов</i> ),

27.	Ишлаб турган автовокзаллар, автостанциялар ва тўхташ бекатларига эгалик қилиш шартларини қайта кўриб чиқиш.	Ташкилий тадбирлар	2019 йил 1 апрелгача	Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> ), Молия вазирлиги ( <i>Хайдаров</i> ), Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
28.	Автовокзаллар, автостанциялар, тўхташ бекатларини қуриш, реконструкция қилиш ва бошқаришга, томонларнинг мажбуриятлари ва объектлар жойлашуви стандартларини аниқ белгилаб, тадбиркорлик субъектларини давлат-хусусий шериклик асосида жалб этиш.	Ташкилий тадбирлар	Доимий асосда	Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> ), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>Бекенов</i> ), Молия вазирлиги ( <i>Хайдаров</i> ), Адлия вазирлиги ( <i>Давлетов</i> )
29.	Ахборотларни махсус сайтда жойлаштириш, аҳоли ва йўловчилар учун йўналишлар, ҳаракат жадваллари, хизматлар ва бошқа зарурий маълумотлар ҳақида ахборот базаларидан эркин фойдаланишни назарда тутувчи, жамоат транспорти фаолияти ҳақида хабардор қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўли билан йўловчиларни ахборот билан таъминлаш даражасини ошириш.	Ташкилий тадбирлар	2019 йил 1 сентябргача	Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> ), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ( <i>Валиев</i> )
30.	Авиация ёқилғисини импорт қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш, шу жумладан аэропортлар ҳудудида ҳаво кемаларига узлуксиз хизмат кўрсатиш учун тадбиркорлик субъектлари ва хорижий компанияларни жалб қилишни ташкил этиш.	Ташкилий тадбирлар	2019 йил 1 апрелгача	Энергетика вазирлиги ( <i>Султонов</i> ) “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК ( <i>Ҳакимов</i> ), “Ўзбекнефтгаз” АЖ ( <i>Сиддиқов</i> )
31.	Огир юк ташувчи ва йирик габаритли транспорт воситаларининг “Қамчиқ” довони орқали ўтишини, шу жумладан ташишларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари учун Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйлаб муқобил айланма йўللاردан фойдаланиш бўйича шарт-шароитлар яратиш йўли билан камайтириш юзасидан чораларни кўриш.	Ташкилий тадбирлар	2019 йил давомида	Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> ), ТИВ ( <i>Камилов</i> )
32.	Темир йўл ташувлари соҳасида фаолиятни амалга оширишга, шу жумладан асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган меҳмонхона ва бошқа мол-мулкни тадбиркорлик субъектларига аутсорсинг асосида бериш ёки сотиш бўйича таклифларни киритиш йўли билан, тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш чораларини кўриш.	Ташкилий тадбирлар	2019 йил 1 июлгача	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ( <i>Ҳасилов</i> )

33.	Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда, оғир вазнли ва/ёки йирик габаритли юкларни ташиш учун махсус рухсатнома олиш тартибини соддалаштириш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2019 йил 1 августгача	Транспорт вазирлиги ( <i>Абдувалиев</i> )
34.	Йўл ёқаси инфратузилмаси объектларини (кемпинг, парковка, мотел, умумий овқатланиш шохобчаси, санитар пункти ва бошқаларни) хориж тажрибасидан келиб чиқиб, давлат-хусусий шериклик асосида республиканинг транзит йўлаклари бўйлаб жойлаштириш ва қуриш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2019 йил 1 июнгача	Транспорт вазирлиги ( <i>Абдувалиев</i> ), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>Бекенов</i> ), Қурилиш вазирлиги ( <i>Тухтаев</i> )
<b>IV. Транзит салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар</b>				
35.	Хорижий ташувчиларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган пунктлар ўртасида йўловчилар ва юклар ташишни амалга оширгани, шунингдек, катта габаритлар бўйича чекланган параметрларидан ошганлиги учун жавобгарлик чораларини белгилаш.	Қонун лойиҳаси	2019 йил 1 августгача	Транспорт вазирлиги ( <i>Маҳкамов</i> ), ИИВ ( <i>Бобожонов</i> ), ДСҚ ( <i>Мусаев</i> ), ДБҚ ( <i>Азимов</i> )
36.	Хорижий ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш муддатларига нисбатан мос чораларни кўриш тартибини жорий этиш, республика ҳудудида узок муддат бўлиш учун рухсатномани фақатгина асосланган сабаблар мавжудлигида тақдим этиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2019 йил 1 апрелгача	Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> ), ИИВ ( <i>Бобожонов</i> ), ДБҚ ( <i>Азимов</i> )
37.	Ўзбекистон Республикасининг ТРАСЕКА Ҳукуматлараро Комиссиясининг Доимий Котибиятини ҳамкорликда молиялаштириш тўғрисида 2005 йил 21 апрелдаги Битимга қўшилиши йўли билан ТРАСЕКА доирасида ҳамкорликни фаоллаштириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тақлифлар киритиш.	Таҳлилий маълумот кўринишида хулоса	2019 йил 1 апрелгача	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>Умурзаков</i> ), Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> ), Молия вазирлиги ( <i>Хайдаров</i> )
<b>V. Ташувчилар ва транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарликларини мажбурий суғурталаш механизмларини такомиллаштириш</b>				
38.	Ташувчилар ва транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарликларини мажбурий суғурталаш механизмларини, шу жумладан суғурта қопламаси миқдорини ошириш, суғурта компанияларини республика ҳудудига (божхона) кириш жойларида жойлаштириш тартибини белгилаш масалаларини назарда тутган ҳолда такомиллаштириш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2019 йил 1 апрелгача	Молия вазирлиги ( <i>Хайдаров</i> )

39.	Хорижий транспорт воситаларини қўшалок суғурталаниши ҳолатларига йўл қўймаган ҳолда, автосуғуртанинг ягона намуналари қўлланишини таъминлаш.	Ташкилий тадбирлар	Доимий асосда	Молия вазирлиги ( <i>Хайдаров</i> ), Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> )
<b>VI. Транспорт соҳасида тарифлар, йиғимлар ва тўловларни белгилаш тартибини такомиллаштириш</b>				
40.	Давлатлар ва маҳсулотлар кесимида рақобатбардош нархларни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, экспорт маҳсулотларини ташиш тарифларини оптималлаштириш.	Идоравий ҳужжатлар	2019 йил 1 июнгача	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>Умурзаков</i> ), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ( <i>Хосилов</i> ), “Ўзбекистон ҳаво йўллари” АЖ ( <i>Ҳакимов</i> ), Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> )
41.	Хорижий давлатларнинг катта ҳажмли юк ташувчи автотранспорт воситалари учун йўл йиғимлари километрли ёки вақтбай ҳисоблаш тизимини жорий этиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш, Ўзбекистон Республикасида халқаро тажрибани, асосан давлат-хусусий шериклик асосида қўллаш юзасидан таклифларни киритиш.	Таҳлилий маълумот қўринишида хулоса	2019 йил 1 апрелгача	Транспорт вазирлиги ( <i>Махкамов</i> ), Молия вазирлиги ( <i>Хайдаров</i> ), ДБҚ ( <i>Азимов</i> ), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>Бекенов</i> )

**Транспорт-логистика соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари юзасидан  
хорижий давлатлар билан музокаралар ўтказиш бўйича  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Тадбирлар	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
1.	Хориж томони билан келишилган ҳолда Озарбайжон Республикаси ва Эстония Республикаси билан автомобилда халқаро ташишлар тўғрисидаги икки томонлама халқаро шартномалар лойиҳаларини имзолаш учун тайёрлаш, шунингдек, Афғонистон Ислом Республикаси билан шундай шартномани ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 декабргача	Транспорт вазирлиги ( <i>Раматов</i> ), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>Умурзаков</i> ), Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> )
2.	Минтакавий ва халқаро бозорларга етказишни таъминловчи йўллар бўйлаб жойлашган хорижий давлатлар, энг аввало, чегарадош мамлакатларнинг ваколатли органлари билан автомобилда халқаро юк ташиш ҳажмини ошириш, виза олиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва хорижий давлатлар ҳудудида миллий ташувчиларнинг юк транспорт воситаларига қўйиладиган талабларни уйғунлаштириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича ишларни амалга ошириш.	2019 йил 1 сентябргача	Транспорт вазирлиги ( <i>Раматов</i> ), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>Умурзаков</i> ) Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> )
3.	Темир йўлларни лойиҳалаш ва қуриш масалалари бўйича халқаро музокараларда иштирок этиш йўли билан “Ўзбекистон – Афғонистон – Покистон”, “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” янги транспорт йўлакларини шакллантириш ишларини тезлаштириш ва жадаллаштириш.	2019 йил 1 сентябргача	Транспорт вазирлиги ( <i>Раматов</i> ), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ( <i>Хасилов</i> ), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>Умурзаков</i> ), Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> )
4.	Туркман томони билан қуйидаги масалалар юзасидан музокаралар ўтказиш: миллий ташувчилар ҳайдовчилари учун кўп марталик визаларни олиш тартиб-таомилларини соддалаштириш; икки давлат ўртасида мунтазам автобус йўналишларини очиш.	2019 йил 1 майгача	Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> ), Транспорт вазирлиги ( <i>Раматов</i> )
5.	Турк томони билан қуйидаги масалалар юзасидан музокаралар ўтказиш: Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида йўловчи ва юкларни автомобилда халқаро ташиш тўғрисида (2017 йил 25 октябрь, Анқара шаҳри) Битимни турк томонидан ратификация қилишни тезлаштириш; ўзбек автоташувчилари учун орқага қайтишда Туркиянинг портлари ва эркин иктисодий зоналарида юкларни юклаш ҳуқуқини олиш;	2019 йил 1 августгача	Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> ), Транспорт вазирлиги ( <i>Раматов</i> )

	Туркия худуди бўйлаб автомобилда халқаро ташишларни амалга ошираётган ўзбек автоташувчилари ҳайдовчилари учун кириш визаларини бекор қилиш.		
6.	Эрон томони билан автомобилда юк ташишларни амалга ошириш учун кўшимча ўзаро мақбул ҳуқуқий шароитларни яратиш бўйича музокараларни ўтказиш, унда келишилган рухсатномалар квотаси доирасида йўл йиғимлари тўловидан озод этиш, Эрон худудида амал қилувчи мотор ёкилғиси нархидаги тафовут учун йиғимларга нисбатан имтиёзлар, шунингдек, эрон агентлари (экспедиторлари)нинг мавжудлиги мажбурийлиги бўйича талабларни бекор қилишни назарда тутиш (келишувларга эришгунга қадар тенг маъноли чораларни жорий этиш мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш).	2019 йил 1 июлгача	Транспорт вазирлиги ( <i>Раматов</i> ), Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> )
7.	Автомобилда халқаро ташишларни амалга оширувчи миллий автоташувчилар ҳайдовчилари учун хорижий давлатлар, шу жумладан, Шенген зонаси визаларини олиш бўйича расмиятчиликларни соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш чораларини кўриш.	2019 йил 1 майгача	Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> ), Транспорт вазирлиги ( <i>Раматов</i> )
8.	Қозоғистон томони билан автомобилда халқаро ташишлар учун фойдаланиладиган йўл тармоғининг охирига вази (оғирлик) параметрларини Европа давлатларида қўлланиладиган параметрлар билан уйғунлаштириш юзасидан музокаралар олиб бориш. Келишувларга эришгунга қадар тенг маъноли чораларни жорий этиш мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш.	2019 йил 1 апрелгача	Транспорт вазирлиги ( <i>Раматов</i> ), Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> )
9.	Хитой томони билан хитой томонидан бериладиган кириб келаётган автотранспорт воситасининг техник маълумотлари ва фото суратлари билан боғхона китобчасини (паспорт) тақдим этишга тегишли талабларни бекор қилиш. Келишувларга эришгунга қадар тенг маъноли чораларни жорий этиш мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш.	2019 йил 1 апрелгача	ДБК ( <i>Азимов</i> ), Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> )
10.	Хорижий, энг аввало, чегарадош давлатлар билан чегара постларида амалдаги йиғимларни тўлаш имкониятини таъминлаш масалалари бўйича музокаралар олиб бориш.	2019 йил 1 июнгача	ДБК ( <i>Азимов</i> ), Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> )
11.	Хорижий ишлаб чиқарувчилар билан транспорт воситаларини лизинг асосида тақдим этиш, шунингдек, уларнинг, шу жумладан илгари фойдаланилган транспорт воситаларини тақдим этувчиларнинг дилерлик ваколатхоналарини очиш юзасидан музокаралар олиб бориш.	2019 йил 1 июнгача	Ўзавтосаноат ( <i>Умурзаков</i> ), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>Умурзаков</i> )
12.	Хорижий компаниялар билан миллий экспедиторлик компаниясини ташкил этишга оид масалаларда ҳамкорлик қилиш юзасидан музокаралар олиб бориш.	2019 йил 1 июнгача	Транспорт вазирлиги ( <i>Раматов</i> ), Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> )

13.	<p>“Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой” халқаро автомобиль йўлагини янада ривожлантириш ва ушбу йўлак орқали ташилаётган юклар ҳажмини ошириш масалаларини муҳокама этиш учун Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматлари ўртасида 1998 йил 19 февралдаги халқаро автомобиль катновлари тўғрисидаги Битимни амалга ошириш бўйича навбатдаги уч томонлама йиғилишни ўтказиш, шу жумладан:</p> <p>Қирғизистон Республикаси ҳудудида юк автотранспорт воситалари учун ўрнатилган оғирлик ва габарит параметрларини умум қабул қилинган халқаро стандартларга уйғунлаштириш;</p> <p>давлат чегараларидан ўтиш пунктлари ишини ўзаро мослаштириш.</p>	2019 йил 1 сентябргача	Транспорт вазирлиги ( <i>Раматов</i> ), Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> )
14.	<p>Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари томонидан бошқа давлатлар ҳудудида автомобилда халқаро ташишларни амалга ошираётган миллий ташувчиларда юзага келаётган муаммоли ва фавқулодда масалаларда (коррупция, фирибгарлик) тезкор муносабат билдириш ва амалий ёрдам кўрсатиш механизмларини жорий этиш.</p>	2019 йил 1 июнгача	Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> ), Транспорт вазирлиги ( <i>Раматов</i> )
15.	<p>Чегарадош давлатлар билан “онлайн” тартибда текширувдан ўтган ташувчилар ва юкларга тегишли ахборотлар алмашиш бўйича электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан музокаралар олиб бориш.</p>	2019 йил 1 апрелгача	ДБК ( <i>Азимов</i> ), Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> )
16.	<p>БМТнинг Автомобиль транспорти бўйича Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) ишчи гуруҳи сессияларида Электрон юк хатига тегишли юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисидаги 1956 йил 19 февралдаги (e-CMR) Конвенциянинг Қўшимча баённомасига қўшилиш масаласини муҳокама қилиш учун иштирок этиш.</p> <p>Электрон юк хатидан фойдаланиш имконини яратувчи тизимни жорий этиш.</p>	Тадбирларни амалга оширишга қараб	Транспорт вазирлиги ( <i>Раматов</i> ), Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> ), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>Умурзаков</i> )
17.	<p>Ўзбекистон Республикасининг ОЭСР қошидаги Халқаро транспорт форумига қўшилиши масаласини ишлаб чиқиш.</p>	2019 йил 1 июнгача	Транспорт вазирлиги ( <i>Раматов</i> ), Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> ), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>Умурзаков</i> )
18.	<p>Транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича умумминтақавий дастурни келгусида ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шу жумладан:</p> <p>яқин ва олис хорижий давлатларнинг транспорт сиёсати билан уйғунлаштириш, ўзаро ва транзит ташишларидаги келишмовчиликларни бартараф этиш;</p> <p>юк автотранспорт воситаларининг оғирлик ва габарит параметрларига қўйиладиган талабларни тартибга солувчи нормаларни уйғунлаштириш;</p> <p>божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш;</p> <p>халқаро аҳамиятга эга транспорт йўлаклари ахволини яхшилаш;</p>	2020 йил 1 августгача	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ( <i>Умурзаков</i> ), Ташқи ишлар вазирлиги ( <i>Камилов</i> ), Транспорт вазирлиги ( <i>Раматов</i> ), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ( <i>Ходжаев</i> )

	минтақавий транспорт лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришни назарда тутувчи чораларни кўриш.		
19.	Қора денгиз ҳавзаси, Каспий денгизи, Ўрта ер денгизи, Форс кўрфазининг йирик денгиз портларида ҳамда трансконтиненталь денгиз туташмаларида жойлашган бошқа портларда фронт-офислар ва ваколатхоналарни ташкил этиш бўйича чораларни кўриш.	2020 йил 1 декабргача	Транспорт вазирлиги (Раматов), Ташқи ишлар вазирлиги (Камилов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Умурзаков)
20.	Хорижий давлатлар билан автосугурталашнинг тенг ҳуқуқлилик тартибини ўрнатиш ҳамда мазкур йўналишдаги конун ҳужжатларини тартибга солиш ҳақида музокаралар олиб бориш.	2019 йил 1 июнгача	Молия вазирлиги (Хайдаров), Транспорт вазирлиги (Раматов), Ташқи ишлар вазирлиги (Камилов)
21.	Хорижий давлатларнинг темир йўл ваколатли органлари, шу жумладан Россия, Қозоғистон, Туркменистон, Эрон, Озарбайжон, Грузия ва ХХР билан транспорт йўлақларини диверсификация қилиш мақсадида ракобатбардош тарифлар ва чегирмалар тақдим этиш юзасидан мақсадли музокаралар олиб бориш.	2019 йил охирига қадар	Транспорт вазирлиги (Раматов), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (Ҳасилов)
22.	Халқаро транспорт ташкилотларида иштирок этиш, шунингдек, мазкур соҳада кўшимча имкониятларга эга бўлиш имконини яратувчи бошқа халқаро шартномаларга қўшилиш чораларини кўриб чиқиш.	2019 йил 1 июнгача	Транспорт вазирлиги (Раматов), Ташқи ишлар вазирлиги (Камилов)
23.	ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида Транспорт ташувларининг интеграциялашган бошқарув тизимини шакллантириш ва ишлатиш тўғрисидаги Битим лойиҳасини муҳокама этиш ва келишиш учун ШХТга аъзо давлатларнинг эксперт учрашувини ўтказиш.	2019 йил 1 декабргача	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Умурзаков), Ташқи ишлар вазирлиги (Камилов), Транспорт вазирлиги (Раматов)

